

# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

2014 йил  
19 апрель  
ШАНБА  
№ 32 (12668)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

## БИЗ – БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Бугуннинг ёшлари илм-фан, санъат ва спорт соҳаларида қўлга киритаётган ютуқлари билан халқаро майдондаги тенгдошлари қаторидан муносиб жой эгаллаб, дунё аҳлини лол қолдирмоқда. Эртанимиз давомчилари эришган муваффақиятлар уларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлод бўлиб вояга етишларида, ёшлар масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланишида муҳим аҳамият касб этаётди. "Соғлом авлод йили", "Оналар ва болалар йили", "Ёшлар йили", "Баркамол авлод йили" ҳамда "Соғлом бола йили" Давлат дастурларининг амалга ошириши ва оширилаётгани бу борадаги сай-ҳаракатларнинг савияси ва салмоғи нақадар юқорилигини кўрсатмоқда.



Айниқса, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини

амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Қарори ёшларимизга янги имкониятлар эшиги

ни очиб, уларнинг чинакам қувончига сабаб бўлди. Мазкур қарор ва Вазирлар Маҳкамасининг

"Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан "Биз – буюк юрт фарзандларимиз"

шиори остидаги ёшлар фестивалларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида" ги баённомаси асосида 14-16 апрель

кунлари вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида ёшлар фестиваллари бўлиб ўтди. (Давоми 2-бетда).

### Эътироф

## «LONDON BUSINESS MATTERS» ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ ҲАҚИДА

Британияда нашр этиладиган "London Business Matters" журналининг апрель ойи сонида мамлакатимиз иқтисодиёти ва унинг сармоявий имкониятлари мавзусига бағишланган "Ўзбекистондаги имкониятлар" сарлавҳали мақола босилиб чиқди.

Мақолада Ўзбекистон мустақиллигида эришганидан сўнги ривожланишнинг "Ўзбек модели"га таянган ҳолда эркин бозор иқтисодиётига асосланган кучли фуқаролик жамияти ва демократик давлат барпо этишни бошлагани қайд этилади. Унда 30 миллион нуфусга эга бўлган мамлакат аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этиши, мавжуд бўй табиий захира салоҳияти, яратилган инфра-тузилма ҳамда юқори ма-лакали ишчи кучлари республикада иқтисодиёт ривожланишининг юқори даражага кўтарилишида ва янги ички маҳсулот ўсиши 8 фоизни ташкил этиши қайд қилинган.

оқоз қилиш, тўғридан-тўғри инвестициялар ҳамда қараб белгиланган имтиёзлар яратилган", деб ёзади нашр. Шу билан бирга, "London Business Matters" журнали ўз ўқувчиларини савдо-иқтисодий соҳадаги Британия – Ўзбекистон ҳамкорлиги тажрибаси билан таништирар экан, мамлакатимизда 100 фоиз Британия капитални асосидаги 110 дан зиёд, Британия капитални иштирокидаги 200 дан ортиқ компания фаолият кўрсатаётгани қайд этилади. "Улар орасида "UzBat", "Pio Tinto", "Worley Parsons", "ITE" ва бошқа компаниялар бор", деб ёзади нашр.

Мақолада "хар йили навабт билан Тошкентда ва Лондонда ўз йилгишларини ўтказадиган Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон – Британия кенгаши икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликка кўмаклашишга даъват этилган асосий ички томонлама форум ҳисоблангани" алоҳида қайд этилади. "London Business Matters" журналонларни Ўзбекистонда муваффақиятли бизнес еритиш ва сармоявий фаолият олиб боришга оид маълумотлар билан ҳам қисқача таништирган. Нашр мамлакатимиз сармоявий қўшма корхоналарини тузишни мўлжалга олганки, бу ривожланиб бораётган бозорларга маҳсулотни тўғридан-тўғри экспорт қилиш имкониятини таъминлайди. Корхоналар учун солиқ сиёсатида рағбатлантиришлар мавжуд, шу жумладан, солиқ ва бохжона тўловларидан

Мамлакатимизда сармоявий фаолият учун Греция халқаро академиясининг фахрий докторлигига сайланган. Фанлар олимпиадасининг вилоят босқичида эса 12 ўқувчи иштирок этиб, немис тилидан А. Абдуғаниев, биология фанидан Н. Рустомова ғолибликни қўлга киритишди. Мазкур беллашув ва олимпиадалар таълим сифатини оширишга қаратилган, – деди директор ўринбосари Нигора Муминова. – Қолаверса, улар болаларнинг қоби-

### Таълим тизими

## ФАН ОЛИМПИДАЛАРИДА ПЕШҚАДАМ

Пискент туманидаги 1-мактабда мингдан зиёд бола ўқийди. Уларга таълим бераётган 68 ўқитувчининг 55 нафари халқ таълим аълочиси. Ҳақ депутатлари вилоят Кенгашининг аъзоси, "Дўстлик" ва "Эл-юрт ҳурмати" орденлари нишондори Марҳабо Қурбонова 2003 йилдан буюн мактабнинг педагогик жамоасига раҳбарлик қилмоқда.

Таълим соҳасидаги самарали фаолияти учун Греция халқаро академиясининг фахрий докторлигига сайланган. Фанлар олимпиадасининг вилоят босқичида эса 12 ўқувчи иштирок этиб, немис тилидан А. Абдуғаниев, биология фанидан Н. Рустомова ғолибликни қўлга киритишди. Мазкур беллашув ва олимпиадалар таълим сифатини оширишга қаратилган, – деди директор ўринбосари Нигора Муминова. – Қолаверса, улар болаларнинг қоби-

лият ва иқтидорларини куйи синфдан аниқлаш ва ривожлантириш, мактабларда соғлом рақобатни шакллантириш орқали ўқувчиларнинг билим олишга қизиқишларини оширишга хизмат қилмоқда. Мактабда чет тилларни ўргатишга алоҳида



эътибор қаратилмоқда. 1-синфлар учун иккита инглиз тили хонаси ташкил этилиб, керакли жиҳозлар ўрнатилди. Дарслар интерфаол усулларида, ўйин, мусобақа тарзида ўтказилади. Ҳуришда НАЗАРОВА. Қобилжон ГОФУРОВ олган сурат.

эътибор қаратилмоқда. 1-синфлар учун иккита инглиз тили хонаси ташкил этилиб, керакли жиҳозлар ўрнатилди. Дарслар интерфаол усулларида, ўйин, мусобақа тарзида ўтказилади. Ҳуришда НАЗАРОВА. Қобилжон ГОФУРОВ олган сурат.

### КОЛЛЕЖДА МУЛОҚОТ

Ўрта Чирчик туман ҳокимлигида касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласига бағишланган амалий мулоқот бўлиб ўтди. Туман ҳокимлиги, прокуратура, бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда касб-хунар коллежлари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ва битирувчи ёшлар иштирок этди. Тадбирда соғлом ва баркамол авлоднинг тарбиялаш, касб-хунар коллежи битирувчилари бандлигини таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун кенг имконият ва имтиёзлар яратилгани таъкидланди. Юлдаз ФАЗЛИЕВА.

### Туризм

Бўстонлик тумани Чимён қишлоғидаги "Небеса" меҳмонхонаси пойтахтдаги "Ўзэкспомаказ"да ўтказилган "Дам олиш дунёси" навабтаги халқаро сайёҳлик кўргазмасида иштирок этди. "Небеса" уйлари Архангелск ўрмонларидан келтирилган қарағайлардан қурилган. Бу ёғоч муаттар ифорли бўлиб, хоналарда ўзига хос иқлим яратиб, кайфиятингни яхшилайд, руҳингни энгил қилади.

### САЙЁҲЛИК ИМКОНИЯТЛАРИ НАМОЙИШИ

Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилги "2013-2015 йилларда Тошкент вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида" ги қароридан вилоятимиз сайёҳлик салоҳиятидан фойдаланишни кенгайтириш, хорижий ва маҳаллий сайёҳларнинг худуддаги ноёб тарихий-маданий ва мезморий ёдгорликлар билан атрофлича танишиши учун қулай шароит яратиш юзасидан зарур вазифалар белгиланган. Мазкур қарор ижросини таъминлаш ва вилоят сайёҳлик салоҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида "Дам олиш дунёси" кўргазмасида вилоятнинг туристик имкониятларига бағишланган экспозиция ҳам намоёиш этилди. Мазкур қарор вилоятимиз

Марказий Осиё минтақасида илк вино сайёҳлик экскурсия йўналиши билан танишди. Экскурсия муаллифларидан бири, хўжалик раҳбари Маҳмуд Исломовнинг айтишича, Осиё мамлакатлари виночилик ва узумчиликнинг узоқ тарихига эга. Айрим тарихий манбаларга қўра, айнан Осиё узумининг ватанидир. Экскурсия давомида иштирокчиларга Ўзбекистон, давлатимизда виночилик тарихи, виноларни татиб кўриш қондалари, уларнинг шифобахш хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилди. "Хамкор" хўжалигида етиштирилаётган виноларнинг 12 тури меҳмонларга тақдим этилди. Марказий Осиёда ягона бўлган мазкур виночилик хўжалиги 1992 йилда ташкил этилиб, 25 гектар майдонни эгаллаган. Хўжалик 20 минг литр винони сақлашга мўлжалланган ерўстала эга. Кўргазманинг иккинчи кунинда "Ош байрами" – ўзбек палови фестивали ва ушбу таомни тайёрлаш бўйича мастер-класс ўтказилди. Ҳуришда ТУРСУНБОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилги "2013-2015 йилларда Тошкент вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида" ги қароридан вилоятимиз сайёҳлик салоҳиятидан фойдаланишни кенгайтириш, хорижий ва маҳаллий сайёҳларнинг худуддаги ноёб тарихий-маданий ва мезморий ёдгорликлар билан атрофлича танишиши учун қулай шароит яратиш юзасидан зарур вазифалар белгиланган. Мазкур қарор ижросини таъминлаш ва вилоят сайёҳлик салоҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида "Дам олиш дунёси" кўргазмасида вилоятнинг туристик имкониятларига бағишланган экспозиция ҳам намоёиш этилди. Мазкур қарор вилоятимиз

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни жадаллаштиришга, интерактив давлат хизматлари кўрсатиш кўламлигини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилди. Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар фақат жорий йилнинг биринчи чорагида кичик бизнеснинг 7,3 мингта янги субъектларини ташкил этишга кўмаклашганлиги қайд этилди. Ҳисоботларни алоқанинг электрон йўллари бўйича топширишнинг юзмага-юз алоқасиз шакллари фаол жорий этиш натижасида буғунги кунда тадбиркорлик субъектлари солиқ ҳисоботларининг 95 фоизини, статистика ҳисоботларининг 88,6 фоизини электрон шаклда топширмакда. Божона юк декларацияларининг 95 фоизга яқини электрон усулда расмийлаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2014 йил 7 апрелда қабул қилинган Фармонида назарда тутилган қўшимча дастурий чора-тадбирлар амалда бажарилиш, шу жумладан, янги имтиёзлар ва преференциялар

(Давоми. Боши 1-бетда).

нинг кенг доираси, ҳар хил лицензия ва рухсат берувчи тартиб-таомилларнинг мундариғини тубдан қисқартириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бизнесни юритиш, иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун шарт-шароитларни янада яхшилаш борасида навбатдаги муҳим босқич бўлиши алоҳида таъкидланди.

Шу муносабат билан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражадаги ҳокимликлар раҳбарлари олдида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиб-қоидаларни янада такомиллаштириш бўйича мамлакат Президентининг 2014 йил 15 апрелдаги ПҚ-2164-сон Қарори талаблари сўзсиз бажарилишини таъминлашга доир аниқ вазифалар қўйилди. Лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг электрон шакллари фаолиятни жадаллаштириш, шунингдек, уларнинг сонини ва ҳужжатларини бериш мундариғини қисқартириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида ишлаб чиқаришларни модернизациялаш ва технология жи-

хатдан янгилашни жадаллаштириш, шунингдек, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича "йўл хариталари" ни амалга ошириш юзасидан протокол топшириқлари бажарилишининг ҳолати пухта таҳлил қилинди. Кўрилатган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида ўзлаштирилган капитал қўйилмалар таркибидagi хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 23,3 фоизгача кўпайди. 510 та янги объект фойдаланишга топширилди, 37 та йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугалланди. Инвестиция фаолиятининг ўсиши қурилиш-пудрат ишлари ҳажми 15,5 фоизга кўпайишига кўмаклашди.

Ҳўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларига янги юқори технология ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ишлаб турган қувватларни модернизациялаш ва технология жиҳатдан янгилаш, шунингдек, объектларни белгиланган мундариғидa ишга тушириш бўйича инвестиция лойиҳаларини жадал амалга оширишнинг таъминлайдиган комплекс

қўшимча чора-тадбирларни қабул қилиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополияларни қисқартириш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига фойдаланилмаётган ер урчакларини ва ишлаб чиқариш майдонларида янги замонавий корхоналар ташкил этиш ва тадбиркорлик субъектларига бериш учун уларни пухта хатловдан ўтказиш таъминлаш топширилди. Шу билан бирга, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича тасдиқланган "йўл хариталари" ни амалга ошириш устидан таъсирчан назоратни таъминлаш топширилди.

Мажлисда маҳсулот экспорти ҳажмига кўпайтириш ва турларини кенгайтириш, туризм масаласи ва сотиш бозорларини диверсификациялаш бўйича кўрилатган чора-тадбирларнинг натижасини батафсил таҳлил қилишга қаттиқ эътибор берилди. Жаҳон бозорларида конъюнктура барқарор эмаслигига қарамай, маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва таъминлаш бозорларини диверсификациялаш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар жорий

йилнинг биринчи чорагида экспорт ҳажми 8,4 фоизга ўсишни таъминланганлиги алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга, мажлис қатнашчилари олдида маҳсулотлар экспорти турлари ва ҳажмларини кенгайтириш, ташқи бозорларда уларнинг рақобатбардорлигини ошириш учун комплекс амалий чора-тадбирлар кўриш вазифаси қўйилди.

Мажлисда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини жадал ривожлантириш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойларни сифатли ва ўз вақтида қурилиш таъминлаш дастурлари бажарилиши ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилинди. Жорий йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон миллий автомагистрالى таркибига кирувчи автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича 63,5 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. Замонавий технологиялар бўйича кенг полсаали 150 километр тола-оптик тармоқлар ётқизилди.

Мажлис қатнашчиларининг эътибори жорий йилда қишлоқ тураржой массивларида намунавий лойиҳалар бўйича 11 мингта янги шинам уйлари қуриш ва фойдаланишга топшириш, шунингдек, ушбу массивларда ижтимоий ва бозор инфратузилмасининг

замонавий объектларини қуриш ишларини жадаллаштириш зарурлигига қаратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига республика миқёсдаги иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида қурилиш ишларининг ўсиб бораётган ҳажмларини ҳисобга олган ҳолда 2014 йилда замонавий қурилиш техникаси билан жиҳозланган 20 та кучли иқтисослаштирилган қурилиш-пудрат ташкилотларини ташкил этиш зарур чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Мажлисда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-хўнара коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, шунингдек, қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича ҳудудий дастурларнинг бажарилиши ҳолатини ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан тасдиқланган 2014 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш дастури доирасида жорий йилнинг бошидан бошлаб 227,9 мингта янги иш ўринлари, улардан 137 мингта еки 60,3 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилганлиги қайд этилди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш мубайнида тасдиқланган мақсадли параметрларга мувофиқ янги иш ўринларини ташкил этиш ва ҳисобга олиш ишларини ташкил этишда камчиликларга йўл қўйган бир қанча туманлар ва шаҳарлар раҳбарларининг фаолияти қаттиқ танқид қилинди. Барча даражадаги ҳокимликлар, ҳўжалик бошқаруви органлари, корхоналар, тегишли вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари олдида янги иш ўринлари ташкил этиш параметрларига эришишни сўзсиз таъминлаш, шунингдек, касб-хўнара коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликларига мувофиқ иш билан таъминлаш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Кун тартибидagi масалалар бўйича республика вазирликлари, идоралари, ҳўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Республика Ҳўкумати мажлиси кун тартибига қўйилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари бажарилишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ў.А.

## Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

# БИЗ – БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Ёшларда ватанпарварлик, фидойилик хислатларини янада кучайтириш ҳамда яратилаётган имкониятларни тарғиб этиш ва барча ёшларни "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати атрофида бирлаштириш мақсадида ташкиллаштирилган фестивал доирасида 14-15 апрель кунлари турли учрашув, акция, тарғибот тадбирлари ва спорт ўйинлари бўлиб ўтди. Унда вилоятимизнинг 22 мингга яқин ёшлари иштирок этди.

Фестивалнинг якуний гала-концерти 16 апрель кунги Юқори Чирчик туманидаги "Дустлик" ўйингоҳида уюштирилди. Тантанали маросимда вилоятимизнинг барча ташли муассасаларининг иқтисодиёт ўқувчилари ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолларидан иборат 9 мингга яқин ёшлар жамулжам бўлдилар.

Фестиваль иштирокчиларини вилоят ҳокими

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аҳмадjon Усмонов турли соҳаларда кўлга киритаётган ютуқлари билан самимий муборақбод этиб, келгусида бундан-да юқори марраларни эгаллашларига тилак билдирди.

Ранго-ранг гуллар, нақшкор безаклар билан жиҳозланган амфитеатр сахнасидаги жажжи қизалоқларнинг музикий чиқишлари ва ёш спортчиларнинг машғулот намойиши тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Ҳар қандай орзу-умидларимиз рўёбини фарзандларимиз келажаги тинчлигида кўрамиз. Бу халқимизнинг қон-қонига сингир кетган кадриятдир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек: "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур". Шу маънода, келажақ ворисларининг ҳар томонлама соғлом, бир сўз билан айтганда, комил инсон бўлиб вояга етишлари учун бор имкониятлар ишга солинаётир. Буни вилоятимизнинг шаҳар ва

туман марказларидан тортиб, энг чека қишлоқларида замонавий, халқаро талабларга тўлиқ жавоб бера оладиган муҳташам коллеж, спорт заллари, сузиш ҳавзалари қуриб, фойдаланишга топширилаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Яратилаётган қулайлик ва имкониятларга ёш авлод вакиллари ўзларининг турли соҳаларда кўлга киритаётган ютуқлари билан жавоб қайтаришмоқда. Биргина спорт соҳасини оладиган бўлсак, вилоятимиз ёшларининг 300 га яқини Жаҳон, Осиё ва мамлакатимиз чемпиони эканлиги фикримизни яна бир бор тасдиқлайди.

– Биз, ёшларга кўрсатилаётган эътибордан хурсандлигимизнинг чеки йўқ, – дейди спортнинг "Urifight" тури бўйича Жаҳон чемпиони, Урта чирчиқлик Ширин Собирова. – Давлатимизнинг гамҳуригидан тўғри хулоса чиқарган ҳолда, ҳаммиса: "Лаббай", деб жавоб қайтариш бизларнинг бурчимиздир.



Баркамол авлод тайёрлаш баробарида билими, зукко, изланувчан ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳам кенг йўлга қўйилган. Ҳозир шундай иқтидорли ёшларимизнинг 14 нафари Зулфия, 10 га яқини "Нихол" Давлат мукофотлари, 5 нафари "Шухрат" ва яна 6 нафари "Ўзбекистон белгиси" кўркак нишонни совриндорлари, 4 нафари эса Менделеев халқаро фан олимпиадаси голиби экани қалбимизни чекисиз фахр ва ифтихор туйғуларига тўлдирди. Айниқса, сўнгги икки йил давомида 1650 дан зиёд ёш тадбиркор, фермер ва хўнарамдорларга имтиёзли кредитлар ажратилган, 1700 дан кўпроқ талабаларимизнинг таъ-

лим кредитларидан фойдаланаётгани диққатга сазовордир.

– Бу каби байрамона фестиваллар биз қатори ёшларни янада жиҳлаштирилади, – дейди Беруний номидаги давлат стипендиаси соҳибаси, Тошкент Давлат аграр университети 2-босқич талабаси Наргиза Омонбоева. – Она Ватанимизга, халқимизга, ўрганаётган касбимизга муҳаббатимизни оширади.

Ўзбек эстрадааси юлдузларининг музикий чиқишлари фестивал иштирокчиларига янада ўтаринки руҳ бағишлади.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**  
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.  
**Азамат АҲМЕДОВ,**  
**Қобилжон ҒОҒУРОВ**  
олган суратлар.

## Семинар-тренинг

# ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯ ЎҚУВЧИНИ ҚИЗИҚТИРАДИ

Янгийўл туманидаги Гулбаҳор саноат касб-хўнара мусассалари педагог кадрлари учун инновацион педагогик технологияларни жорий этиш мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

Республикамизнинг қатор институт ва университетлари, Урта махсус, касб-хўнара таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти, вилоят ўрта махсус, касб-хўнара таълими бошқармаси бошлиғи Ботир Аҳмедов. – Уларнинг билими, фикрлаш қобилияти, танлаган йўналишига қизиқшининг ошишида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш мақсада мувофиқдир. Айниқса, мактабда 45 дақиқалик дарс ти-

зимига кўниккан ўқувчи коллежнинг 1-курсидagi жараёнга мослашиши, қолар, маълум соҳага оид маълумотларнинг ўқитилишида бу технологиялар қўл келади. Бошқача айтганда, педагогик технологиялар ўқувчилар зериктишининг олдини олиб, ўтилатган мавзуга қизиқишларини ортиради.

Семинар сўнггида коллеж жомасига Тошкент автомобиль йўллар институти томонидан электрон адабиётлар жамланмаси тақдим этилди.

**Аваз БЕКОВ,**  
**Даврон АҲМАД**  
олган суратлар.



## Диққат, фестиваль!

# «ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ АВЛОД»

Вилоятда "Баркамол авлод" спорт мусобақалари олдидан "Юксак маънавиятли авлод" фестивалини ўтказиш режалаштирилди. Фестивалнинг 1-босқичи шаҳар ва туманларда 22 апрелдан 24 апрелгача, 2-вилоят босқичи 2 май кунги вилоят "Маънавият ва маърифат" марказида бўлиб ўтади. Фестивалда 14 ёшдан 25 ёшгача бўлганлар иштирок этишлари мумкин.

"Юксак маънавиятли авлод" фестивалини кунийдаги номинациялар бўйича ўтказиш белгиланган:

- "Бадий ижод" (бадий ижоднинг турли йўналишларида ижод қилаётган ёшлар иштирок этишлари мумкин)
- "Президент асарлари билимдонлиги"
- "Энг янги тарих билимдонлиги"
- "Энг иқтидорли хўнарамдор"
- "Ўз асаридa миллийликни акс эттирган рассом"
- "Ўз асаридa миллийликни акс эттирган дизайнер"
- "Ватан куйчиси" (анъанавий ва эстрада йўналишлари бўйича ижод қилаётган ёшлар иштирок этишлари мумкин).

Фестивалда иштирок этиш истагини билдирган ёшлар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят ҳамда шаҳар ва туман кенгашиларига мурожаат қилишлари ва фестиваль анкеталарини тўлдирishлари талаб этилади.

Фестивалга оид қўшимча маълумотларни қуйдаги телефон рақамлари орқали билиб олиш мумкин: 150-65-64, 150-65-87, 8371 292-84-10.

## Иқтисодиёт

"Ангрэн" махсус индустриал зонасида Ўзбекистон-Корея ҳамкорлигида барпо этилган диодли ёруғлик лампалари ишлаб чиқаришга иқтисослашган яна бир "EGL-NUR" қўшма корхона иш бошлади.

# АСОСИЙ ҚИСМИ ЭКСПОРТГА

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган лампалар энг сўнгги русумдаги технология асосида тайёрланиб, электр қувватини 60 фоизгача теҳаш имконини беради ва ундан беш йилгача самарали фойдаланиш мумкин.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосий қисмини экспорт қилиш режалаштирилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ лампаларни Хитой ва Мексикага жўнатиш юзасидан шартнома шартнома имзоланди. Шунингдек, Россия ҳамда Қозоғистон билан алоқалар йўлга қўйилмоқда.

Энг муҳими, янги корхонанинг ишга туширилиши Ангрэн шаҳридаги касб-хўнара коллежларининг қўллаб-битаирувчиларини мумкин иш билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

**Юлдузхон МУХИДДИНОВА.**

## Матбуот анжумани

# ТАРБИЯДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ

Пойтахтдаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви "Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тар-

зини тарғиб этиш, уларни спортга жалб қилишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг роли" мавзусида матбуот анжумани ўтказди.

Тадбирда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви мутасаддилари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, фуқаролар йиғинлари ходимлари, спорт мураббийлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Анжуман иштирокчилари соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш,

уларни миллий урф-одат, анъана ва кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, анъанавий спорт турларига оммавий жалб қилиш, замонавий касб-хўнараларни эгаллаш йўлидаги интилишларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик билан шугулланишлари учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар

жаруви, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида журналистлар ўртасида эълон қилинган "Истиқлол – гурури, маҳаллам – фахрим" кўрик-танлови голиблари рағбатлантирилиб, махсус диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Ўз муҳбиримиз.**

## Фуқаро муҳофазаси

# ЁШ ҚУТҚАРУВЧИ

Бўстонлиқ тумани табиий иқлими билан республикамизнинг бошқа минтақаларидан ажралиб туради. Ҳудуднинг каттагина қисми Сирдарё томон қиялаб борадиган тоғоли текисликларидан иборат сейсмик зона ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида маҳаллий аҳоли хавфсизлигини таъминлашга қараган чора-тадбирларни изчиллаштириш ҳамда фуқароларнинг турли табиий ва техноген хусусиятли фавақулда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишларини тақозо этади.

Хондойлик қишлоғидаги 10-умумтаълим мактабидa ташкил этилган "Фуқаро муҳофазаси кунини" ҳамда "Ёш қутқарувчи" болалар спорт мусобақалари шу мақсадларга қаратилди.

"Очик кўргазмали дарслар", "Эвакуация", "Ёш қутқарувчилар мусобақаси", "Кутқарув анжомларининг кўргазмаси", "Фуқаро муҳофазасига оид савол-жавоб викторинаси" босқичларида ўқувчиларнинг амалий ва назарий кўникмалари синовдан ўтказилиб, баҳолаб берилди.

Тадбир якунида голиб гуруҳ ва фаол иштирокчилар вилоят факулдада вазиятлар бошқармасининг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбирда Фавақулдада вазиятлар вазирлиги, вилоят фавақулдада вазиятлар бошқармаси вакиллари, вилоят шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари, касб-хўнара коллежлари, умумтаълим мактаблари раҳбарлари ҳамда тегишли ташкилот ва идоралар ходимлари иштирок этди.

**Ҳасанбой САБДУЛЛАЕВ.**



Веломарафон

ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Чирчиқда Тошкент вилояти касаб уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида "Касаба - тур" веломарафони ўтказилди.



Турли соҳа ходимлари ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган тадбирда вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган икки юз нафардан зиёд ҳаваскор вело-

спортчи иштирок этди. 25-35, 35-45 ёшлилар ўртасида ўтказилган веломарафоннинг эркаклар баҳсида Амир Сарқулов ва Евгений Киришин маррага биринчи келди. Шу ёш тоифалари бўйича аёллар беллашувида Дилфуза Аллаёрова ҳамда Ойгул Абдурахмонова еттидан иккинчи бўлишди.

Мусобақа голиб ва совриндорлари ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлангиларди. Улар энди веломарафоннинг республика босқичида қатнашади.

Х. САЛИМОВ, ЎЗА МУХБИРИ, Қобилжон ГОФУРОВ олган сурат.

Универсал жанг



Кибрайлик Сирожиддин Эргашев универсал жанг билан мунтазам шуғулланиб, катта марраларни эгаллапти. Ҳозир у Кибрай агроинноват касб-хунар коллежида ўқияпти. Устози Бекзод Султонов шогирдининг ютуқларидан хурсанд.

НОМИ БУГУН ТИЛЛАРДА

Сирожиддин 2009 йилда Янгийул туманида уюштирилган мусобақада илк ғалабасини нишонлаган эди. Шундан сўнг катор мамлакат чемпионатлари, очик турнирлар, кубок мусобақаларида унинг номи тилга олинган бўлди. Айниқса, ўтган йили сентябрда Россияда ўтказилган Жаҳон чемпионати узок вақт эслаб юрса керак. Чемпионатда 25 та давлатдан спортчилар катнашган. Шунга қарамай, вақилинмига ўз вази тоифасида голиб бўлиш насиб этди.

Феруза ТЎРАЕВА, Даврон АҲМАД олган сурат.

Шахмат



РАҚИБЛАРНИ МОТ ҚИЛИШДИ

Вилоят "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, маданият ва спорт ишлари босқармаси, "Махалла" хайрия жамоат фонди, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда "Шахмат" федерацияси ҳамкорлигида Навоий кочилик институти қошидаги Олимлик 3-академик лицейида "Камолот шахмат тахтаси" очик турнири ўтказилди.

Мусобақанинг кўни босқичларида 32 мингдан зиёд ёшлар иштирок этган бўлса, вилоят босқичида 180 нафар ёшлар ўзаро беллашишди.

Якуний натижаларга кўра, Робия Зайнитдинова, Олмас Раҳматуллаев, Нодирбек Султонов, Озода Хусанова, Лобар Тўйчибоева, Жавлон Жўрабеков, Дилшод Анваров ёш тоифалари бўйича голиб бўлишди.

Энди улар мусобақанинг республика босқичида иштирок этишади.

Феруза ТЎРАЕВА, Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.

Хотира турнири

Оҳангарон туманида ҳар йили Умар Умирзоков хотирасига бағишлаб ўтказиладиган спорт турнирининг бу йилги аънанавий мусобақалари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик Кенгашининг йил бошидаги йилгилиши қарорлари ижросини таъминлашга бағишланди.

СПОРТ МАЙДОНИДА ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР

Туман ҳокимининг хотира турнирига бағишланган фармойишига мувофиқ, бу йилги аънанавий мусобақалар спортнинг волейбол, футбол, кураш, бокс, шахмат ва бадий гимнастика турлари бўйича икки босқичда ўтказиладиган бўлди. 15 апрель кўни бошланган баҳсларда барча мактабларнинг ўқувчи-ёшлари фаол иштирок этишмоқда. Биринчи босқич мусобақаларига 28 апрелда якун ясалди. Юқори натижаларга эришган иштирокчилар 1-9 май кўнлари бўлиб ўтадиган иккинчи босқичда турнир голиблиги учун курашни давом эттиради.

Якуний беллашувлар Қорахитой қишлоғидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мажмуасида бўлиб ўтади. Хотира турнири голиб ва совриндорларини туман халқ таълими ҳамда маданият ва спорт ишлари бўлимлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва бошқа хомийларнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари кутмоқда.

Ўз мухбиримиз.



Майдонда югуришдан қўрққан «футболчилар».

Одамийлик шеvasи

Фазлиддин фермер газета-журналларни эринмай ўқиб боради. Яқинда бир иш билан йўқлаб келди. У киши билан суҳбатлашиб турганимда, шахарлик дугонам телефон қилиб, беш-ўн туп ток кўчати топиб беришимни илтимос қилди. Ток кўчати кўп бўлгани билан ишончлисини топиш қийинлиги боис: "Ўзинг келиб олиб кет", дедим. Шунда Фазлиддин ака: "Уларни безовта қилманг, ўзим етиштираётган кўчатлардан берман", дедилар.

Орадан икки кун ўтгач, кўчат кўтариб ишонкамга келдилар. Хурсанд бўлдим ва қанча туршини сўрадим.

Бу мендан дугонангизга совға. Энг муҳими ишончли, ўзим етиштирганман.

Сўраганларга совға қилаверсангиз, бозорингиз касод бўлади-ку, - дедим ҳазилга йўйиб.

Биласизми, яқинда бир синоатни бошимдан ўтказдим. Бировга чин дилдан яхшилик қилсангиз, ўн чандон бўлиб қайтаркан. Кеч қузуда бепарволигим оқибатида икки отимни ўғирлатиб қўйдим. Анча югур-югур қилдим-у, аммо отлардан дарак бўлмади. Наҳотки исзис кет-

ган бўлса, деган ўйда қўлим ишга бормай қолди. Бошим гангиб, энг яқин дўстимнинг ёлғиз ўғли ботоблигини ҳам эшитмабман.

Бир кун кечкурун дўстим уйимга келди. Эрак одам йўғламасин экан. Дўстим оғир касал ўғлининг буйра-

ЯХШИЛИК ЕРДА ҚОЛМАЙДИ

гани алмаштириш учун донор топибди. Шифокорлар умид бағишлагандек бўлишди. Хуллас, унга пул керак экан. Жарроҳлик амалиёти бир ҳафтадан кейин бўларкан, пул топиб беришни ваъда қилдим. Дўстимнинг аҳволига ачиниб, ваъда бериб қўйдим-у, пулни қаердан топаман, деганча ўйга ботдим. "Йўқолган отларим топилганда эди, шу норасида боланинг ҳаётини сақлаб қолишга сарфлардим", деган ўй-хаёллар билан кўзим илинибди. Тушимда раҳматли отамни кўрибман. У киши сўридаги хон-тахта ёнига чўқдилар. Худди тириклик пайтларидек суҳбатлашдик. Кетаётганла-

рида: "Ҳаммаси яхши бўлади", дедилар мамнун қиёфада. Рухим энгил бўлиб уйғондим. Тушимнинг таъбирини яхшиликка йўйдим. Қайнимдан, кувимдан берган пулларимни қайтариларини сўрадим. Қассоб кўшнимни қақриб, боқувга қўйилган новвосни нархлатдим. Ҳар ҳолда дўстим олдида юзим ёруғлигидан кўнглимга хотиржамлик инди.

Оилам билан кечки пайт овқатлангилар, икки ишлар бўлимида кўнгирак бўлди. Дарҳол ўғлим билан етиб бордик. Отлар топилганини айтишди. Кувончимиз ичимизга сиғмади. Эртасига отларни сотиб, пулни дўстимга элтдим.

Қилган яхшилигинг Худодан қайтсин, - деди дўстим мени бағрига босиб.

Жарроҳлик яхши ўтди. Боланинг соғлиги тикланмоқда. Иккита отим тўртта бўлди. Топганларимга баракча кира бошлади. Шунда билдимки, инсон муҳтожларга чин дилдан ёрдам қўлини чўзса, ўзининг ҳам омади юришаварар экан. "Яхшилик қил, сувга от, билса балик, билмаса Холик", деган нақнининг маъносини англагандек бўлдим...

Дилфуза МИРОБИДОВА.

Қулоққа чалинган гаплар

Узоқ қариндошларингиз кўпайиб, "йўқолган"лари топилиб қолдими? Тўғриси айтинг, бой бўлдингизми ё амалдор?

Дўстан яхшилик келмаслиги мумкин, лекин душманнинг ёмонлиги муқаррар.

У ҳар кун ишдан қайтаётиб, маҳалла дўконига кириб ўтади. Сотувчи уни кўриши билан музлаткичдан "яримта"ни олиб, пиеланинг чизигича қўйиб беради ва газак учун липкочада бирон нима узатади. Газакка қўл чўзаркан, мингирлайди:

Шўр бодринг йўқмиди? Колбасанг ҳалолми, ишқилиби?

Жиноятга жазо муқаррар

ҚИРҚҚА КИРИБ ТОПГАНИ ШУ БЎЛДИ

Қозоғистон Республикаси ўтмоқ илинжида шундай йўл фуқароси Андрей Ляшенко аввалдан келишилган ҳақ эвазига гиёҳванд моддани бир мамлакатдан иккинчисига олиб ушлашди.

2013 йил 16 февраль. Тожикистондан ўтиб, Бекобод туманидаги "Ойбек" божхона пости яқинида ёлланган такси Андрейни Зангиота туманидаги "Фишт-кўприк" халқаро пунктга элтиб қўйди. Мақсади Қозоғистон Республикасига жўнаб кетиш эди. Шу вақтда хуқуқ-тартибот идоралари ходимлари пунктда махсус тадбир ўтказишаётганди. Андрейнинг ўзини туттиши, юз-кўзидаги саросима хушёр ходимларни беэътибор қолдирмади. Унинг ўзи, халтасидаги мол-мулкларини синчиклаб текширилди. Ҳаммаси жойида. Бирор шуб-

ҳали буюм, ашё йўқ эди. Лекин касални яширсанг иситмаси ошкор қиларкан. Текширув пайтида шоввоз ўзини шундай галати тутдики, назоратчилар бу ерда бир гап борлигига амин бўлишди. Андрей ўз ҳамюрти, ҳамтовоғи Ҳамза исмли шахснинг "ёлқиқина" буюртмасини бажараётганди. Бир кун аввалги келишувга биноан Андрей Тожикистон Республикасига ўтиб, шу юрт фуқароси бўлган, дастлабки терговда шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган Исроил исмли шахсдан 100 грамм гиёҳвандлик моддасини олиб, дав-



ПАРОМ ОДАМЛАРНИ СУВ ҚАЪРИГА ОЛИБ КЕТДИ

Жанубий Корея соҳилларида 474 йўловчи билан сузиб бораётган "Севол" пароми ҳалокатга учради.

Йўловчиларнинг 320 нафари мактаб ўқувчилари бўлиб, Чечу оролига экскурсияга боришаётган эди. Кўтқарув операциялари мамлакатнинг соҳил кўриқчилиги хизматида тегишли кема

ҳамда вертолётлар ёрдамида давом эттирилди. Ҳозиргача фақат икки кишининг қурбон бўлгани аниқланди. 368 йўловчи қутқарилди, яна 104 йўловчинини қидириш давом этмоқда. Қўтқа-

рув жараёнида паром бутунлай сувга фарк бўлди.

Фожиа соҳилдан тахминан 100 километр масофада юз берди. Афтдан ҳавони қуюқ туман қоплагани боис, кема сув ости қоясига урилиб тешилган ва шунинг оқибатида чўкиб кетган.



СУНЬИЙ ҚИЗИЛ ҚОН ТАНАЧАЛАРИ

Глазо университетини сайтида хабар қилинишича, олимлар яқин 2-3 йил ичида лабораторияда тайёрланган қизил қон таначаларини инсон танасига қўйишни бошлайдилар.



фойдаланиш анча хавфсиз ва кафолатлидир. "Клиник амалиёт учун

сифат ҳамда хавфсизлик стандартларига тўлиқ жавоб берадиган сунъий қон таначаларини оммавий ишлаб чиқариш анча мураккаб иш, - деди илмий лоийха раҳбари, профессор Марк Тернер. - Бирок, биз илк клиник синови муваффақиятли ўтказа олсак, бу олға томон катта қадам бўлади".

ХИЛЛАРИ ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДИНИ ҚЎЙМОҚЧИ

АҚШнинг собиқ давлат котиби Хиллари Клинтон Лас-Вегас шаҳрида маъруза қилиш учун минбарга чиққанида, унга қарата пойабзал отишди.

Ушбу конференцияни санаот чиқиндиларини қайта ишлаш билан шуғулланувчи институт ташкил этганди. Ишлаб чиқариш, турли чиқиндилардан хом ашё сифатида фойдаланиб, ишлов бериш билан шуғулланувчи 1700 га яқин компания институт фаолиятида бевосита катнашади.

Конференция бошланиб, Хиллари минбарга чиққан пайтда бир аёл махсус хизмат ходимларининг қаршиликка қармай, саҳнага чиқиб, уларга қарата пойабзални отди. Шу заҳоти уни ушлаб, хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ихтиёрига топширишди. Унинг

исм-шарифи ошкор этилмади, шунингдек, у нима учун бундай қилганлиги хусусида ҳам изоҳ берилмади.

Собиқ давлат котибининг ўзи эса бу воқеага ҳазил-мутойиба билан муносабат

билдирди: "Ажабо, қаттиқ чиқиндиларни утиллаштириш шу қадар баҳсли масала эканини билмаган эканман".

Клинтон жойларда пулли маърузалар ўқиб туради, шу билан бир вақтда ўзининг давлат департаментидagi фаолиятига оид янги китобини ёзиб тутатмоқда. Яқинда эса у 2016 йилда президентлик лавозимига ўз номзодини қўйиш масаласини ўйлаб кўраётганини маълум қилди.



БИР ҲАФТАДА 200 ҚУРБОН

Нигерия пойтахтидаги автовокзалда содир этилган иккита портлаш оқибатида 71 киши қурбон бўлди, 124 киши жароҳат олди.

Полиция маҳкамасида таъкидлашларича, жабр кўрганларнинг ҳаммаси шифохонага жойлаштирилди. Портлашлар натижасида 40 га яқин автобус ҳам шикастланди.

Ушбу террорчилик актини ҳозирча бирорта гуруҳ ўз зиммасига олгани йўқ. Экспертларнинг фикрига қараганда, "Боко Харам" радикал исломий террорчи ташкилотнинг бу ишда қўли бор. Зеро, ўтган ҳафтадан иккинчи ярмида радикал гуруҳ уюштирган ҳужумлар 210 кишининг ҳаётига зомин бўлди.

Ушбу тирик организм этхўр ҳисобланиб, улар суввини галвирлаш йўли билан озикланидиган бошқа кўплаб замбуруғлардан фарқли ўлароқ қисқичбақасимонларга, шунингдек, ўзга майда жонзотларга ҳужум қилади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.



касалхонасига олиб боришди. Рентгенография натижалари боя айтганимиздек, ёқа ушлагудек бўлди: йўғон ичакда узунлиги 14-15, қалинлиги 3 сантиметр атрофида бўлган цилиндрсимон нарса кўринди. Шифокорлар Андрейни жарроҳлик столга ётқизишганда, шубҳаю гумонлар тўғри чиқди.

Вилоят ИИБ эксперт-криминалистика маркази берган хулоса Андрей Ляшенко танасидан чиқариб олинган икки жисм ичидаги ашё ўрамини билан бирга 110 грамм "ге-

роин" гиёҳвандлик моддаси эканини аниқ-равшан тасдиқлади.

Судда А. Ляшенко айбига тўлиқ иқдор бўлиб, қилган иши оғир жиноят экани, инсонийликнинг ҳеч бир қолиғига мос келмаслигини тан олди. Бирок, начора, кейинги пушаймон ўзинга душман. Бинобарин, унинг "Тожикистон сафари" эрта қариди. Борган минзили эса маълум - умрининг 13 йилини энди маҳкумлиқда ўтказди. Қирқчилма қирқ ёшида топгани шу бўлди.

Элбек МУРОДОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мабуотчилар кўчаси, 32. e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс). 233-12-83, 233-48-08. 233-56-03, 233-65-59. 233-54-10.

Тошкент вилояти Мабуот ва ахборот босқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА Навбатчи Наргис ҲАСАНОВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ